



ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИНИНГ БОСҚИЧИ СИФАТИДА СУД МУЗОКАРАСИ, МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Эшонқулов Тўлқин Қурбанбайевич

Судьялар Олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий
мактаби Жиноят ҳуқуқи ихтисослиги тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14958274>

ARTICLE INFO

Received: 17th February 2025

Accepted: 18th February 2025

Published: 27th February 2025

KEYWORDS

*Жиноят-процессуал кодекс,
тарафлар музокараси, айблов,
ҳимоя, миллий қонунчилик.*

ABSTRACT

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексда суд муҳокамасининг тартиби ва мазмуни, айблов ва ҳимоя тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суд музокараларининг ўтказилишига оид қоидалар ўрганилган. Шунингдек, ривожланган хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида суд муҳокамаси ва музокараларининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва жиний жазони либераллаштириш Ўзбекистон Республикасидаги суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, бу жараён жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга қаратилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил

21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармони қамрови мазмун-моҳият жиҳатидан серқирралиги билан эътиборни ўзига жалб этади.

"Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишдан мақсад,- дейди А.Обидов, - суд орқали инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини янада ишончли ҳимоя қилиш механизмини замонавий давлатчилик талабларига мослаштириш ҳамда жамият эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда суд органлари фаолиятида одил судлов даражасини оширишдан иборатдир"¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши ва уларнинг бир-биридан мустақил равишда фаолият юритишлари мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 12-моддасида, одил судлов фақатгина судлар томонидан амалга оширилади ёки белгилаб қўйилган.

Суд музокараси жиноят процессининг ажралмас қисми сифатида адолатли ва қонуний суд ҳукмини қабул қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ҳуқуқшунос В.Д.Капустянскийнинг ёзишича, "тарафлар музокараси – бу суд муҳокамасининг суд тергови тугаганидан сўнг келадиган мустақил қисми бўлиб, унинг

¹ А.Обидов Ўзбекистон Республикаси Олий суди матбуот котиби. Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар аҳолининг суд ҳокимиятига бўлган ишончини янада оширади. – 2017. <https://kun.uz/uz/33727799>. / (24.03.2020).

доирасида тарафлар нутқ билан чиқиш орқали дастлабки тергов, суд тергови натижалари ва жараёни тўғрисидаги фикрларини билдирадилар ва ишни мазмунан ҳал қилиш бўйича қарор таклиф қиладилар².

Ҳуқуқшунослар В.М.Савицкий ва А.М.Ларинларнинг қайд этишларича “тарафлар музокараси (қадимги славянча “пъръние” – низо) – суд муҳокамаси процессуал босқичларининг қисми (бўғини) бўлиб, суд тергови тугаши заҳоти бошланади”³.

Луғатларда “музокара” деганда, бирор-бир масала бўйича оммавий баҳс, муҳокама тушунилади⁴. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида эса, “музокара (арабча – муҳокама қилиш, суҳбат; анжуман) – мажлисда муҳокамага қўйилган масала юзасидан ўз фикрини баён қилиш, шу муносабат билан гапирилган нутқ, сўз; шарт-шароит, томонларнинг талаблари ҳақида фикр алмашиш”⁵ сифатида таърифланади.

Жиноят суд иш юритувида тарафлар музокарасининг вужудга келиш тарихи Қадимги Юнонистонда ареопаг судларида ўтказилган одам ўлдириш жиноятини кўриб чиқиш бўйича ташкил этилган судларга бориб тақалади.

Ареопаг суди – қадимги Афинадаги энг юқори суд органларидан бири бўлиб, у биринчи навбатда оғир жиноятлар, хусусан, қотиллик ишларини кўриб чиқишга ихтисослаштирилган⁶.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодекснинг 449-моддаси тарафлар музокарасининг мазмуни ва тартибини белгилайди. Унга кўра, ҳар бир тараф иш бўйича ўз позициясини асослаб, қарши томоннинг далилларини таҳлил қилади ва рад этади, шунингдек, судланувчининг жавобгарлиги ва жазо чоралари бўйича ўз таклифларини тақдим этади.

Суд музокарасининг моҳияти ва аҳамияти:

Жиноят ишлари бўйича суд муҳокамасининг якуний босқичи ҳисобланган суд музокараси, ишни ҳал қилишда ҳал қилувчи босқичлардан бири бўлиб, унда:

- Айблов ва ҳимоя томонлари ўз позициясини баён қилади;
- Суд муҳокамасида тўпланган далиллар таҳлил қилинади;
- Суд томонидан якуний қарор қабул қилишга замин яратилади;
- Очиқлик ва адолат тамойилларига асосланади;
- Томонларга ўз фикрини баён этиш ҳуқуқи кафолатланади;
- Судья тарафларнинг далилларини инobatга олган ҳолда холис қарор қабул қилади.

Жиноят ишини мазмунан кўриб чиқиш атамасидан бир қатор Олий суд Пленум қарорида фойдаланилганлигини кузатишимиз мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2022 йил

14 майдаги “Жиноят ишларини биринчи инстанция судида муҳокама қилиш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 2-бандида “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ суд жиноят ишини муҳокама қилишга, фақат ЖПК [49-бобида](#) назарда тутилган барча зарур ҳаракатлар бажарилгандан кейин киришишга ҳақли” эканлиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2024 йил

25 мартдаги “Жиноят ишларини апелляция, кассация тартибида кўриш амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг

14-бандида апелляция, кассация инстанцияси судларида ишнинг муҳокамаси,

² Капустянский В.Д. Судебные прения в уголовном судопроизводстве: от истории к современности // Российский судья. – Москва, 2005. – №6.

³ Савицкий В.М., Ларин А.М. Уголовный процесс: Словарь-справочник. – М.: Юридическая фирма КОНТРАКТ; ИНФРА-М, 1999. – С. 133.

⁴ Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка. – М.: Азбуковник, 1999. – С. 584.

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.2. / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 631.

⁶ Ареопаг (юнон. Areios pagos – чўққилар Ареси) – Қадимги Афинада олий суд трибунали.

ЖПК [483](#), [497¹⁷](#) ва [509⁷-моддаларида](#) назарда тутилган истисноларни инобатга олган ҳолда, биринчи инстанция судида иш юритиш қоидалари асосида олиб борилиши кўрсатилган.

Суд музокараси авваламбор, ЖПКнинг 20-моддасига мувофиқ, тарафларнинг суд мажлисида тарафлар тортишув асосида музокара нутқларидир. Музокара нутқлари эса, бахшлашаётган тарафларнинг процессуал манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган характерни ўзида мужассамлаштирган нутқдан иборатдир. Шу сабабли бахшлашаётган тарафларнинг нутқларида ўзаро тортишув намоён бўлади. Албатта тарафларнинг ҳаракатларини судда раислик қилувчи тартибга солиб туради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 449-моддасига асосан, суд тергови тамомланганидан сўнг суд тарафларнинг музокарасини эшитишга ўтади. Музокара давлат айбловчиси ва жамоат айбловчисининг нутқлари билан бошланади, сўнгра жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки уларнинг вакиллари, ҳимоячи ва жамоат ҳимоячиси, судланувчи, фуқаровий жавобгар ёки унинг вакили сўзга чиқади.

Апелляция, кассация ва тафтиш инстанцияси судларида тарафлар музокаралари бироз ўзгача яъни, ЖПКнинг [497¹⁸](#), [509⁷-521³ моддалари](#) мувофиқ, шикоят, протест берган шахс биринчи бўлиб сўзга чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2022 йил

14 майдаги “Жиноят ишларини биринчи инстанция судида муҳокама қилиш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 7-сонли Қарори 22-бандида “ЖПК

[449-моддасига](#) мувофиқ, тарафлар музокараси давлат ва жамоат айбловчиси нутқи билан бошланади. Сўнгра жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки уларнинг вакиллари, ҳимоячи ва жамоат ҳимоячиси, судланувчи, фуқаровий жавобгар ёки унинг вакили сўзга чиқади, музокаралар тугагандан сўнг тарафлар ЖПК 457-моддаси биринчи қисмининг [1-6-бандларида](#) назарда тутилган масалалар юзасидан ўзлари таклиф этган қарор мазмунини судга ёзма тарзда тақдим этишлари мумкин. Давлат айбловчиси ва ҳимоячи музокаралар тугагандан сўнг суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киргунга қадар судга ўзларининг ёзма таклифини беришга мажбурлиги белгиланган.

Давлат айбловчиси ва жамоат айбловчисининг, шунингдек ҳимоячи ва жамоат ҳимоячисининг сўзга чиқиш навбатини суд уларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда белгилайди. Суд музокараси пайтида тарафлар ўзларининг нутқларида суд терговида кўриб чиқилмаган далилларни келтиришга ҳақли эмас. Агар текшириш учун судга янги далилларни тақдим этиш лозим бўлса, тарафлар суд терговини янгидан бошлаш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда раислик қилувчи суд терговини янгидан бошлаш тўғрисида ажрим чиқаради.

Олий суди Пленумининг 2022 йил 14 майдаги “Жиноят ишларини биринчи инстанция судида муҳокама қилиш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 23-бандида тарафлар музокараси иштирокчилари ўз сўзларида, судланувчи эса, шунингдек, охириги сўзида иш учун муҳим аҳамиятга молик янги ҳолатлар тўғрисида хабар берсалар, суд, суд терговини ЖПК [452-моддаси](#) талабларига мувофиқ, янгидан бошлаб, судланувчини ушбу ҳолатлар тўғрисида батафсил сўроқ қилиши ҳамда уларни процессуал қонуннинг суд терговига оид талабларига риоя этган ҳолда синчковлик билан текшириши лозимлиги белгиланган.

Бундан ташқари, музокара пайтида давлат айбловчиси суд терговининг яқунларини инобатга олиб, ўз нутқида судланувчининг айблилиги ёки айбли эмаслиги тўғрисидаги хулосасини асослантириши лозим. Давлат айбловчиси судланувчи айбли деган хулосага келганда, унга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган жазо тури ва меъёри ҳақида судга ўз фикрини баён қилади.

ЖПКнинг 449-моддаси 5-бандига асосан, тарафлар музокара нутқларини сўзлаб бўлганларидан кейин, улардан ҳар бири бошқа тарафнинг нутқларида айтилган масалалар юзасидан эътирозлар ёки мулоҳазалар билан яна бир мартадан сўзга

чиқишлари мумкин. Сўнгги эътироз билдириш ҳуқуқи ҳамиша ҳимоячи ва судланувчига берилади. Бундан кўриниб турибдики, тарафлар икки мартадан сўзга чиқишлари мумкин бўлади.

Суд тарафларнинг музокарасини муайян муддат билан чеклаб қўйиши мумкин эмас, лекин раислик қилувчи музокарада иштирок этаётган шахсларнинг нутқларини, башарти улар кўрилатган ишга дахли йўқ ҳолатларга тааллуқли бўлса, тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 451-моддасига мувофиқ, тарафларнинг музокараси тамом бўлганидан кейин раислик қилувчи судланувчига охириги сўз беради. Судланувчининг охириги сўзи вақтида унга ҳеч қандай савол беришга йўл қўйилмайди. Суд судланувчининг охириги сўзини муайян муддат билан чеклаб қўйиши мумкин эмас, лекин раислик қилувчи судланувчининг сўзини, у ишга мутлақо алоқаси йўқ ҳолатларни баён қила бошлаган ҳолларда, тўхтатишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 452-моддасига мувофиқ, агар тарафлар музокараси ёки судланувчининг охириги сўзи давомида иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган янги ҳолатлар баён этилса ёки аввал суд муҳокамасида текширилмаган, аммо иш билан боғлиқ муҳим далиллар келтирилса, суд мазкур ҳолатларни инobatга олган ҳолда, тарафларнинг илтимосномасига биноан ёки ўз ташаббуси билан суд терговини қайта бошлаш ҳақида ажрим қабул қилади.

Судья ўз ваколатларини қонун доирасида ва ҳар қандай ташқи таъсирдан холи ҳолда амалга ошириши, қарорлар чиқаришда мустақил бўлиши шарт. Суд муҳокамаси жараёнида у иш бўйича барча далилларни ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқиши, қонун устуворлигини таъминлаши зарур.

Таниқли ҳуқуқшунос У.Мингбоев таъкидлаганидек, бир пайтлар, одамлар судьяга ҳалоллик, билимдонлик ва маданиятлилик мезони сифатида қараганлар. Бунга кўҳна тарихимиздан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг 943-944 йилларда битилган “Бухоро тарихи” асарида “мен Абдуллоҳ Муборақдан эшитдимки, Себавайҳ Бухорода қозилик қилганида халқнинг икки дирҳамига ҳам адолацизлик қилмади, икки дирҳам кўплик қилади, у тариқча ҳам жавр ўтказмади”⁷ –деб ёзади.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2024 йил 15 майдаги 1903-сон қарори билан тасдиқланган “Судьялар одоби кодекси” нинг 5-моддасида, Судья одил судловни амалга ошираётганда суд процесси барча иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқларини ҳурмат қилган ҳолда, ҳар қандай ташқи таъсирлар, босим ва аралашилардан қатъи назар мустақил ҳаракат қилиши, фақат фактик маълумотлар ва далилларни баҳолашдан келиб чиқиши ва ички ишончига ҳамда қонунчиликка амал қилиши шартлиги белгиланган.

Ушбу кодекснинг 2-моддасида, Судья ҳар қандай ҳолатда одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиши, холис ва мустақил бўлиши, адолатдан чекинмаслиги шарт. У суднинг нуфузига путур етказувчи хатти-ҳаракатлардан тийилиши ва ҳалоллик, қатъият, билимга чанқоқлик каби фазилатларга эга бўлиши лозим. Шунингдек, миллатлараро тотувлик ва миллий қадриятларга ҳурмат билан ёндашиши керак. Судья хизмат мавқеини суистеъмол қилмаслиги ва унинг холислигига шубҳа уйғотадиган вазиятларга йўл қўймаслиги шарт. У ўз сўзлари ва ҳаракатлари билан суд тизимига бўлган ишончни мустаҳкамлаши зарурдиги кўрсатилган.

Шундай экан, судьялар зиммасида улкан масъулият мавжуд бўлиб, улар қонунга риоя қилиш, хулқ-атвор, адолат ва поклик борасида жамият учун ибрат бўлиши шарт. Бундан ташқари “Судьялар одоб-ахлоқ қоидалари тўғрисидаги халқаро принциплар”, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни, шунингдек, Европа

⁷ Мингбоев У.К. Суд шундай ҳокимиятки. – Т.: 1999. – Б.23.

Кенгашининг Судьялар мустақиллиги тўғрисидаги тавсияларига мувофиқ, ҳар бир судья ўз касбий фаолиятида холислик ва адолат мезонларига амал қилиши, суд ҳокимиятининг нуфузини сақлаши зарур.

Шу билан бирга, судья ўз ваколатларини қонун доирасида ва ҳар қандай ташқи таъсирдан холи ҳолда амалга ошириши, қарорлар чиқаришда мустақил бўлиши шарт. Суд муҳокамаси жараёнида у иш бўйича барча далилларни ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқиши, қонун устуворлигини таъминлаши зарур. Жаҳон амалиётида умумэтироф этилган суд мустақиллиги принципларига кўра, судья ўз фаолиятида одиллик ва бетарафликни таъминлаш орқали жамиятнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончини мустақкамлаши лозим, судья музокара давомида иш бўйича барча далилларни холисона кўриб чиқиши шарт.

Белоруссия Республикасида суд музокаралари Жиноят-процессуал кодекси асосида олиб борилади, тарафлар музокараси ва судланувчининг охириги сўзи 37-бобда жойлашган бўлиб, 4 та моддадан иборат, унда суд тергови тугагандан сўнг, суд тарафлар музокарасига ўтади. Музокара давлат прокурорлари ва хусусий прокурорлар, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёки уларнинг вакиллари, ҳимоячи, судланувчи, судланувчининг қонуний вакилининг нутқларидан иборат бўлади. Суд мунозараси иштирокчиларининг чиқишлари кетма-кетлиги суд томонидан уларнинг таклифларига биноан белгиланади, аммо барча ҳолатларда биринчи бўлиб давлат ёки хусусий прокурор ўз нутқларини баён қилади⁸.

Қозоғистон Республикасида суд музокаралари Жиноят-процессуал кодекси асосида олиб борилади, унда прокурор, жабрланувчи ёки унинг вакилининг нутқларидан, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар ёки уларнинг вакиллари, судланувчи ва адвокат иштирокидан иборат.

Агар давлат айбловини бир нечта давлат айбловчилари, қўллаб-қувватласа, Шунингдек, бир нечта жабрланувчилар, ҳимоячилар, фуқаровий жавобгарлар ва уларнинг вакиллари, фуқаровий даъвогарлар ва уларнинг вакиллари, судланувчилар иштирок этса, раислик қилувчи уларга ўз баёнотларининг кетма-кетлигини мувофиқлаштириш учун вақт беради. Агар керак бўлса, суд мажлисида танаффус эълон қилиниши мумкин. Агар ушбу шахслар мунозарадаги нутқларининг тартибига рози бўлмасалар, суд уларнинг фикрларини эшитгандан кейин нутқларни ўтказиш тартиби тўғрисида қарор қабул қилади⁹.

Россия Федерациясида суд музокаралари Жиноят-процессуал кодекси асосида олиб борилади, суд музокараси прокурор ва ҳимоячининг нутқларидан иборат. Ҳимоячи бўлмаган тақдирда, судланувчи тарафларнинг музокараларида иштирок этади. Жабрланувчи ва унинг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари ҳам суд музокарасида иштирок этишлари мумкин. Тарафларнинг мунозарасида қатнашганларнинг чиқишлари кетма-кетлиги суд томонидан белгиланади. Барча ҳолатларда айбловчи биринчи бўлиб, судланувчи ва унинг адвокати ундан кейин нутқ сўзлайдилар. Фуқаровий жавобгар ва унинг вакили фуқаровий даъвогар ва унинг вакилидан кейин томонларнинг бахсларида нутқ сўзлайдилар¹⁰.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I.

Рахбарий адабиётлар:

⁸ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь. – Минск: Амал-фея, 2002. – с.284

⁹ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. – Алматы: 1998. – с.294.

¹⁰ Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. – М : Объединенная редакция МВД России, 2002. – с.268.

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
<https://president.uz/uz/lists/view/2228>
2. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси// <https://president.uz/uz/lists/view/2180>

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон// <https://lex.uz/uz/docs/6445145>.
Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.04.1995й., <https://lex.uz/docs/111460>.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. (911 — 914-моддалар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майдаги ЎРҚ-542-сонли Қонунига асосан киритилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон).
3. Судьялар одоби кодекси. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2024 йил 15 майдаги 1903-сон қарори билан тасдиқланган.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-2024. –Тошкент: Адолат.
5. Международные акты о правах человека. - М.: Норма, 2000. - 784 б.
6. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь. -Минск: Амал-фея,2001.-384с.
7. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. -Алматы: 1998.-394 с.
8. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. -М: Объединенная редакция МВД России, 2002. -288 с.

Махсус адабиётлар:

1. Абдумажидов Ф.А. Справедливость как философская, этическая и правовая категория // Методологические проблемы права. Академия МВД РУ. - Ташкент, 1995. - С. 212.
2. Володина Л.М. Механизм защиты прав личности в уголовном процессе. Тюмень: Изд-во Тюменского ун-та, 1999. С.263.
3. Алексеев Н.С. Судебная этика и психология // Проблемы судебной этики М., 1971
4. Тимофеев А. Г. Речи сторон в уголовном процессе. Практическое руководство.—М.,2007.—С.239–285
5. Эгамбердиев А.У., Аҳмедов Р.Т., Мирзаев Ш.М., Фазилов Ф., Никонов И., Сайфизва Г. Адвокатура. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2016. - 120 б.
6. Тащилина С.М., Адвокат и суд присяжных в России, М., 2001.
7. Матусевич Т., Адвокат это защитник ваших интересов, Народная газета,1. Минск, 06.06.98.
8. Абдумажидов Ф.А. ва бошқалар. Ўзбекистонда суд хоқимияти: ислохотлар даври. - Тошкент: Адолат, 2002. - 368б

9. Стецовский Ю.И., Мирзоев Г.Б. Профессиональные навыки юриста. Опыт практического обучения. М.: Дело, 2001. - 416 с..
10. Абдумажидов Ф.А. Суд назорати янада кучайтирилиши лозим // Дастлабки терговда суд назоратини ташкил қилиш муаммолари мавзусида илмий-амалий анжуман материаллари. - Тошкент: ТДЮИ, 2005. - Б. 305.
11. Васильева.Г.А.Профессиональная этика юриста. Учебно методический комплекс по дисциплине. – Челябинск, 2005. – С. 250.
12. Адамов Ю. Борьба с лжесвидетельством. - М.: Юрид. лит., 1983.-153с.
13. Мухаммадиев А.А. Далиллар назарияси муаммолари. Дарслик. –Т.: ТДЮИ, 2009. – В. 295.
14. Академик. Словарь и энциклопедия. Электронная версия // www.dic.academic.ru
15. Лазарева, В.А. Прокурор в уголовном процессе : учеб. пособие / В.А. Лазарева. - М., 2011.
16. Ахпанов А.Н.К реформе уголовно-процессуального законодательства Республики Казахстан. - Алматы: 1993. – 136 с.
17. Барщев Я.И. Основания уголовного судопроизводства, с применением к российскому уголовному судопроизводству. - СПб., 1841; - М.: "ЛексЭст", 2001- С.339.
18. Баранов В.М., Поленина СВ. Система права, система законодательства и правовая система. - Нижний Новгород 2000. - 218 с.

Диссертация ва авторефератлар:

1. Воробьева, М.П. Понимание судебного дискурса через структуры представления знаний / М.П. Воробьева // Преподаватель XXI век. - 2015. - № 4. - Часть 2. - С. 36.
2. Воробьева, М.П. Прения судебных заседаний через призму жанра, стиля и регистра речи / М.П. Воробьева // Когнитивные исследования языка. - 2015. - Вып. XX. - С. 29
3. Цыпкин А.Л. Сущность уголовно-процессуальной функции прокурора: В сб.: Вопросы теории и практики прокурорского надзора. Саратов, 1974. С.
4. Арабули Д.Т. Процессуальное положение и деятельность адвоката защитника в судебном разбирательстве по уголовно- процессуальному праву России: Дис. канд. юрид. наук. Оренбург: Оренбургский государственный аграрный ун-т, 2002. - 176 с.
5. Гаврилин Г.Г. Объективизация доказательств как фактор повышения эффективности суда присяжных: Дис. канд юрид наук. Барнаул: Уральская государственная юридическая академия, 2000. - 186 с.
6. Балакшин В.С. Доказательства в теории и практике уголовно- процессуального доказывания :Важнейшие проблемы в свете УПК Российской Федерации: Автореф. дис.... докт. юрид наук. - Екатеринбург, 2005. - 56 с.
7. Епихин А.Ю. Защита законных прав и интересов свидетеля в уголовном процессе: Автореф. дис.... канд. юрид. наук. - М, 1995. – 27 с.
8. Зайцев О.А. Теория и практика участия свидетеля в уголовном процессе: Автореф. дис канд. юрид. наук. - М., 1993. - 25 с.
9. Иногомжоннова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари: Юрид, фан. докт.... дис. автореф. - Тошкент. ТДЮИ, 2006. -56 б.
10. Шепель Н.И. Обеспечение прав и свобод личности в уголовном судопроизводстве //

Следственная практика. 2002. № 3 (157). С. 262-274.

Интернет сайтлари:

1. <http://lex.uz>
 2. <http://n.ziyouz.com>
 4. <https://pravo.news>
 5. <http://huquqburch.uz>
 6. <http://www.law.edu.ru>
 7. <https://cyberleninka.ru>
- <https://koroboff.spb.ru>

